



JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI HOKIMI QARORI

2021 - yil 27 - oktabr

109-3-43-Q/21

Arnasoy tuman hokimligi

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 14 сентябрдаги 137-3-0-Q/21-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5241-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасалари ҳузуридаги техникумларни ўз йўналишлари бўйича турдош олий таълим ҳамда тармоқ ташкилотларига бириктириш, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-,6-ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 14 сентябрдаги 137-3-0-Q/21-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ қуйидагилар:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари ҳузурида 24 та техникум ташкил этилганлиги;

турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий йўналишлари бўйича

тармоқ ташкилотларига 213 та техникум бириктирилганлиги;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда тизимида техникумлар бўлган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг таклифлари асосида олий таълим муассасалари ҳамда тармоқ ташкилотларига бириктирилган техникумлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилганлиги;

Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Жиззах хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми фаолияти тугатилганлиги ва унинг барча мол-мулки, бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Жиззах ахборот технологиялари техникумига ўтказилганлиги;

Жиззах вилояти, Фориш тумани, Файзобод кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Жиззах ахборот технологиялари техникумига тегишли бино ва иншоотлар, ҳудуди билан биргаликда Жиззах давлат педагогика институтига кўп тармоқли ўқув маркази ва амалиёт полигонини ташкил этиш учун берилганлиги;

Жиззах хизмат кўрсатиш ва сервис техникумида таҳсил олаётган ўқувчилар амалдаги таълим дастурлари асосида Жиззах ахборот технологиялари техникумида ўқишни белгиланган тартибда тугатиши маълумот ва амалий фаолиятда қўлланма учун қабул қилинсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб техникумлар ва академик лицейларда малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар таянч олий таълим муассасалари томонидан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади;

олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган техникумларни ўқув-методик ҳужжатлар (ўқитиш материаллари тўпламлари, дидактик материаллар, практикумлар, технологик хариталар, электрон ресурслар, хорижий ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар, даврий нашрлар, луғатлар, энциклопедиялар, ахборотномалар ҳамда бошқалар) билан таъминлайди;

олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган

техникумларда таълим сифатини таъминлашга қаратилган комплекс чоратадбирларни амалга оширади ҳамда бунга техникум директори ва олий таълим муассасаси ректори (директори) шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасалари ўзига бириктирилган техникумлар педагог кадрлари учун ўз бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий профессорлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда қисқа муддатли ўқув-семинарларни ташкил этади;

техникум директори бир вақтнинг ўзида тегишли олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши аъзоси ҳисобланади;

техникумлар тегишли олий таълим муассасалари билан биргаликда техникум ҳамда хорижий давлатлардаги таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш орқали техникумларда қўшма дастурлар асосида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашни ташкил этади;

техникумларда халқаро стандартлар (шу жумладан, Worildskillis) асосида ўқув-устахоналарини ташкил этиш ва ўқувчиларни мазкур стандартларга мувофиқ тайёрлаш ҳамда келгусида ишчи касблар мусобақаларида уларнинг иштирок этишини таъминлаш тегишли олий таълим муассасаларининг бевосита кўмаги асосида амалга оширилади.

4. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Норбўтаев) ҳар йили 1 февралга қадар туманда энг кўп талаб этиладиган ўрта бўғин кадрлари ишлаши мумкин бўлган касблар ва лавозимлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда ушбу касблар ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб борсин.

5. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар туман халқ таълими бўлими (М.Низомов), Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Норбўтаев)лар этиб белгилансин.

6. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмамов, туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б Х.Бердиев зиммаларига юклансин.

Ҳоким



Х.Алимарданов